

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Товарларни махсус маркировкалаш босқичма-босқич жорий этилади

Президентнинг 30.11.2018 йилдаги «Алоҳида турдаги товарларни маркировкалашнинг замонавий усуллари жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2019 йилнинг 1 августидан бошлаб, товарлар тоифасидан келиб чиқиб, импорт қилинадиган ва мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган товарларни ҳимояланган белги ва (ёки) нано-молекуляр технологиядан фойдаланган ҳолда мажбурий маркировкалаш босқичма-босқич жорий этилади.

Қуйидаги хатти-ҳаракат принциплари белгиланди. Маркировкалашни мажбурий бўлган товарлар гуруҳлари рўйхати тасдиқланди. Унга киритилган позицияларни кўрсатилган санадан бошлаб бундай маркировкасиз сотиш тақиқланади. Бироқ Вазирлар Маҳкамаси ЛБМА билан келишган ҳолда ушбу рўйхатни тўлдирди. Унга янгидан қўшилган товарларни улар рўйхатга киритилган кундан бошлаб 180 кун мобайнида маркировкасиз сотишга рухсат этилади.

Товарларни, шу жумладан акцизли товарларни

маркировкалашга доир хизматларни ягона етказиб берувчи амалга оширади. Уни ЛБМА энг яхши таклифларни саралаб олиш йўли билан белгилайди. Танлаб олинган етказиб берувчи билан музокара-лар ўтказилади. Маркировкалашни мажбурий бўлган товарлар қиймати ошишининг олдини олиш учун шартноманинг бутун муддати давомида (5 йилдан 10 йилгача) у кўрсатадиган хизматлар баҳоси қатъий белгилаб қўйилади.

Яқин орада қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, товарларни ҳимояланган белги ва нано-молекуляр технологиядан фойдаланган ҳолда мажбурий маркировкалаш тартиби ишлаб чиқилади:

➤ маркировкалаш бўйича хизматлар етказиб берувчиси, тадбиркорлик субъектлари ва товарларни мажбурий маркировкалашга доир талаблар бажари-



лиши устидан назоратни таъминловчи органларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини;

➤ маркировкалаш тартиби ва тартиботларини, маркировкалаш, ш.ж. акцизли маркировкалаш хизматларининг баҳоси ва сотиб олиш тартибини;

➤ маркировкалаш бўйича хизматлар етказиб берувчиси маълумотлар базасидан фойдаланадиган давлат органлари рўйхатини;

➤ маркалар, ш.ж. акциз маркалари сотилиши ва маркировкалаш бўйича хизматлар кўрсатилиши устидан мониторинг қилиш тартибини.

Бу – муҳим! Товарларни маркировкасиз сотганлик учун жавобгарлик белгиланади. Амалдаги жарима санкциялари миқдорлари оширилади (масалан, савдо қоидаларини бузганлик учун, МЖТКнинг 164-моддаси, ЖКнинг 189-моддаси ва бошқалар). Икки ой муддатда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳаси киритилади.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

9 ДЕКАБРЬ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ХАЛҚАРО КУНИ

Коррупция ва маданият

Бир қарашда бу икки сўз бир-бирига умуман мувофиқ келмайди. Иккинчи томондан эса улар ўртасида қандайдир яқинлик борлигини инкор эта олмаймиз.

Дарвоқе, коррупция ва маданият ўзаро боглиқ ва баъзи ҳолларда бир-бирини тақозо этади.

Дастлаб коррупцияга бизда қандай таъриф берилганига тўхталсак. Қонунга кўра, коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши.

Маданият тушунчасига эса адабиётларда инсоннинг жамият аъзоси сифатида ўзлаштирган билимларини, ишонч-эътиқодини, санъатни, ахлоқ ва қонунларни, урф-одатларни, шунингдек, унинг бошқа қобилияти ва кўникмаларини ўз ичига олган мажмуадир, дея таъриф берилади.

Коррупцияга қарши кураш самарали бўлиши учун бу иллатнинг маданият билан боглиқ жиҳатларини чуқур тадқиқ этиш ва шу асосда зарур чораларни қўллаш лозим.

Бу борада хорижий мамлакатларда

маълум тадқиқотлар олиб борилган. Олимлардан Т.Нестик коррупция ва маданиятнинг ўзаро боглиқлиги масаласида уч хил ёндашув мавжудлигини қайд этади.

Биринчи ёндашувга кўра, коррупциянинг ўзи алоҳида маданият сифатида ўрганилади. Р.Клитгаард ўз ишида коррупцияни иш ёки ташкилий маданият сифатида ўрганиб, одатлар, тасаввурлар ва қадриятлар билан боглиқлигини очиби беришга ҳаракат қилади. Ташкилий маданият сифатида коррупцияни беорлик ва соғлом фикрнинг йўқолиши билан изоҳлайди.

Иккинчи ёндашувда коррупция кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган меъёрлар, қоидалар ва қадриятларнинг муваққат бузилиши сифатида талқин этилади. У жамиятнинг афсарида қисми иқтисодий меъёрларга бефарқ ва бепарво муносабатда бўлганда, қадриятлар тизими элементлари ўртасида зиддият келиб чиққанда вужудга

келади. Мазкур ёндашувнинг вакиллари сифатида Т.Парсонс ва Р.Мертонларни кўрсатиш мумкин. У.Райзман томонидан илгари сурилган номувофиқ нормалар назариясини ҳам ушбу ёндашувга киритиш мумкин. Бу нуқтаи назарга кўра, жамиятда ҳаддан ташқари идеал нормалар яратилади ва амалиётда эса агентлар (ижрочилар) ўзларининг амалиёт нормаларини ишлаб чиқиб, унинг асосида ҳаракат қиладилар.

Учинчи ёндашувга кўра, коррупция вақтинчалик, оғриқли ҳолат эмас, балки маданий анъаналар ишлаб чиқадиغان, миллий маданиятнинг доимий, барқарор хусусиятларига таянувчи ҳодиса сифатида шарҳланади. Бу қараш 1970 йилларда, аввало, учинчи дунё мамлакатларида, сўнгра эса Ғарб мамлакатларида маҳаллий одатлар ва қадриятлар билан боглиқ бўлган норасмий иқтисодиётнинг қарор топишига алоқадордир.

Й.Андвиг ўзининг «The economics of corruption: A survey» асарида собиқ СССР республикаларидаги коррупция даражасига уларнинг маданиятидаги фарқ таъсир этганини ёзади.

Т.Нестик коррупциянинг яна бир

маданий омили бу – дин, деб ёзади. У коррупция ва маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисида тадқиқот олиб борган тадқиқотчиларнинг ишларини ўрганиб, юқори иерархик динлар коррупция даражасининг юқори бўлишига таъсир этади, деган хулосага келган. Назаримда, бу фикрни ислом динига нисбатан қўллаш асоссиз. Сабаби, муқаддас динимизда порахўрлик жуда қаттиқ қораланади, ҳалоллик, поклик ҳар жиҳатдан улуғланади. Диннинг асл қоидаларини бошқача талқин қилиш, афсуски, ҳамма жойда учраб туради.

Сўнгги йилларда коррупциянинг барча кўринишларига қарши изчил, тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ уларнинг самарали натижа бериши бир қатар омилларга боглиқ. Буларнинг ичида коррупциявий стереотипларни йўқотиш, одамларнинг ҳар қандай кичик коррупция кўринишларини оддий, «нормал» ҳолат деб эмас, балки умумқораланадиган қилмиш сифатида баҳолашига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Янги туғилган қаҳалоқни туғруқхонадан олиб чиқарканмиз, шифокор ва доярага пул бермасликни кўпда лозим деб топмаймиз. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидасини бузганда ички ишлар ҳодимига «чой» пули тақлиф қилишни оддий ҳодиса сифатида қабул қиламиз. Фарзандимиз имтиҳон-

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

«Гараж талвасаси»нинг иккинчи тўлқини

7-БЕТ

Ижтимоий кафолатлар фақат доимий пропискидагиларга

8-БЕТ

Тўлиқсиз иш кунда – умумий асослардаги таътил

2-бетда

Сув таъминотини тарификациялашнинг янги механизмлари ва канализация хизматлари учун устама пули жорий этилади

Президентнинг 30.11.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4040-сон қарори имзоланди.

Биринчидан, 2019 йил 1 апрелга қадар Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси ишлаб чиқилади ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилади. Унда истеъмолчилар учун тарифлар хизмат кўрсатиш таннархини тўлиқ қоплаши, шунингдек сув таъминоти ва канализация корхоналарини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш харажатларини ҳисобга олиш имконини бериши назарда тутилади.

Эслатиб ўтамиз, йил бошидан барча гуруҳ истеъмолчиларига суви таъминоти ва суви чиқариш хизмати кўрсатиш 100 фоизлик олдидан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилмоқда. Ҳисобга олиш прибори (ҳисоблагич) мавжуд бўлганда охириги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича, у мавжуд бўлмаганда эса ойлик истеъмол нормаси бўйича олдидан ҳақ тўлаш амалга оширилади. 22 ноябрдан суви таъминоти хизматлари тарифлари индексацияланди.

Иккинчидан, канализация хизматлари учун тарифларга махсус устама пули белгиланади. Унинг миқдори ҳудудлар кесимида, тегишинча, Қорақалпо-

ғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва пойтахт ҳокимликлари томонидан ҳудудий молия органлари билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Махсус устама пули суммаси мақсадли тушум ҳисобланади ҳамда барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиқ солинадиган базага киритилмайди, шунингдек суви таъминоти ва канализация корхоналарининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди. У Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Ўй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблагларини шакллантиришнинг қўшимча манбаи ҳисобланади (18.04.2017 йилдаги ПФ-5017-сон Фармонга мувофиқ ташкил этилган, шунингдек 18.04.2017 йилдаги ПҚ-2900-сон қарорга 8-илова).

Эслатиб ўтамиз, айни пайтда ичимлик суви таъминоти хизматлари учун тарифларга махсус устама пули қўлланилади. Унинг миқдори ҳудуд шундай тартибда тасдиқланади. Пойтахт ҳокимининг қарорига (12.01.2018 йилдаги 69-сон) кўра 2018 йилда у 1 м³ учун 100 сўмни ташкил этади.

Учинчидан, икки ой муддатда оқова сувлар нормадан ортиқ ташланишини ҳисобга олиш тизими, тўлов-



чилар тўлиқ қамраб олингани, шунингдек белгиланган йиғим миқдорлари танқидий таҳлил қилинади ҳамда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар киритилади.

Кейинги йилнинг июнигача 2019–2021 йилларда ичимлик сувини ҳисобга олишнинг замонавий асбоблари ва тегишли ускуналарни харид қилишнинг молиялаштириш манбалари аниқланади, июлигача эса аҳоли пунктлари ва суви таъминоти объектлари кесимида уларни ўрнатиш графиклари тасдиқланади.

Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 30.11.2018 йилдан қучга кирди.

Олег Заманов, «Норма» МЧЖ эксперти.

Коррупция ва маданият

1-бетда дан ўта олмас, қандай қилиб бўлса-да, масалани ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Умуман, қонунларни бузиб, маълум ҳақ эвазига жазодан қутулиб қолиш, давлат ташкилоти билан бирор муаммо вужудга келса, таниш-билиш топиб, масалани ҳал қилишни «нормал» ҳолат ҳисоблаймиз. Сир эмас, айрим ҳолларда туғилган кун, тўю-тантаналарда берилаётган совға-салом, тўёна, суюнчилар ортида пора туради. Ҳаётимиздаги энг яхши қўнларимизга шубҳали нарсаларни аралаштирмаймиз.

Бу яшаш тарзимизнинг бир қисмига айланиб қолган. Бошқача айтганда, айрим коррупция кўринишлари маданий қилмиш сифатида баҳоланадиган даражада қайгули аҳволда.

Афсуски, мамлакатимизда коррупциявий қилмишларнинг сабаб ва шартлари, маҳаллий одатларнинг унга

таъсири сингари жиҳатлар бўйича ҳуқуқ криминологик тадқиқотлар олиб боришмаяпти. Коррупцияга қарши кураш натижадорлиги эса сўзсиз ҳар бир фуқарода бу иллатга қарши иммунитет ва нафратни шакллантиришга бевосита боғлиқ. Аҳолида юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳар қандай кўринишдаги коррупциявий қилмиш маданиятсизлик эканини ижтимоий онга синдириш бу иллатнинг олдини олишда энг муҳим омилдир.

Шу боис кейинги йилларда адлия органлари томонидан ҳуқуқий маданиятни юксалтириш вазифаси доирасида коррупцияга қарши умумий, махсус, манзилли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари мунтазам кўпайтириб боришмоқда. Шу билан бирга, уларнинг сифати ҳам оширилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг январь ойида Адлия вазирлиги бошчи-

лигида тайёрланиб, ОАВ, интернетда эълон қилинган коррупцияга қарши «Қонун доим биз билан бирга» номли роликни келтириш мумкин. Ижтимоий тармоқларда ушбу роликни уч кун ичида бир миллионга яқин одам томоша қилган. Хато қилмаётган бўлсак, бунга қадар бошқа бирор ролик, клип ижтимоий тармоқнинг миллий сегментида бундай қисқа муддатда шунча кўп одам томоша қилишига сазовор бўлмаганди.

Вазирлик томонидан жорий йилда худди шундай яна учта ролик тайёрланиб, ОАВ, интернетда намойиш қилинди. 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида адлия органлари томонидан коррупцияга қарши 4 минг 553 тарғибот тадбири ўтказилди. Жумладан, «Биз коррупцияга қаршимиз» мегатанлови доирасида ўтказилаётган «Коррупция – тараққиёт кушандаси» умуммиллий иншолар танловида 20 мингдан ортиқ фуқароларимиз ўз иншолари билан иштирок этди. Аҳолида коррупцияга қарши нафрат уйғотувчи ўн минглаб тарқатма материаллар тарқатилмоқда, баннерлар, плакатлар жойлаштирилмоқда. Бунда жараёнга инновацион ёндашилмоқда, коррупциянинг жирканч қиёфаси ва аянчли оқибатлари халқчил тарзда очиб берилишига ҳаракат қилинмоқда.

Бироқ, шу ўринда афсус билан қайд этиш кераки, аксарият ташкилотлар ва фуқароларда коррупцияга қарши тарғибот фақат адлия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иши, деган мутлақо нотўғри қараш мавжуд. Бунинг боиси эса қонунлардан хабарсизлик, ҳуқуқий маданиятсизликдир. «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуннинг 16,17-моддаларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз ходимлари ва аҳолининг коррупцияга қарши ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўришлари белгиланган.

Коррупцияга қарши кураш ҳар кунги, ҳар лаҳзада ҳар бир фуқаро томонидан амалга оширилиши керак. Инсонларнинг ушбу иллатга қарши қатъий фуқаролик позицияси шаклланиши, коррупцияга нисбатан муросасизлик ва тоқатсизликнинг пайдо бўлиши, коррупция ҳолатларини оқлаш ва изоҳлаш эмас, қоралаш ва ҳуқуқий маданиятини биринчи ўринга чиқиши керак. Бир сўз билан айтганда, коррупция онглари ўзгартирмай туриб, онгли ёндашув билан фуқароларнинг ўзи ахволни ўзгартириши, коррупциясиз жамият қуришда ҳар ким ўз роли ва вазифаларини англаб, масъулиятни ҳис этиши лозим.

Х.Мелиев,
Адлия вазирлиги масъул ходими.
ЎЗА.

Реклама

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИГА тақдим этамиз
Тошкент ш. Миробод тумани. Таълимаркўн кўч. 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

NORMA

УШБУ СОҲДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-2-бетлар
• **9 ДЕКАБРЬ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ХАЛҚАРО КУНИ**
– Коррупция ва маданият
1-2-бетлар

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– Гаражларни олиб ташлашга... миллий гвардия?
– Ҳуқуқий жиҳат
– «Нигерия хати» қафолат бера оладими?
– Қувурларни қандай «кийинтириш» мумкин?
3-6-бетлар

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Қонуний никоҳ
– Ҳисобга қўйиш тартибини бузмасдан
– Хабардор қилмасдан рўйхатдан чиқариб юбордилар
– Мехмонга келиши учун
– Паспорт олиш учун уйга
7-бет

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Ишдан бўшаётганда тўлиқ ҳисоблашинг
– Умумий асосларга кўра таътил
– Ишдан бўшаётганда ишлаб бериладиган кунлар ҳисоб-китобидаги байрамлар
8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни табул ёки қисман кўчириб босиш, эълонлар ва бошқа манбаларда қўлайлаштириш, тарқатиш фақат «NORMA» gazetalarini birlashtirgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



Маърифий мавзудаги тўплам*

МУНДАРИЖА:

✓ Гаражларни олиб ташлашга...
миллий гвардия?

- ✓ Ҳукуқий жиҳат
- ✓ «Нигерия хати» кафолат бера оладими?
- ✓ Қувурларни қандай «кийинтириш»
мумкин?



Долзарб масала

Гаражларни олиб ташлашга... миллий гвардия?

Пойтахтимизда яна гаражларни «йўқотишга» киришилди. Турар жой даҳаларида шаҳар ҳокимиятининг қарорига кўра автотўхташ жойлари ва гаражларни бузишда давом этмоқдалар. Бу ишлар бузиш зарурлигини лозим даражада тушунтирмасдан, қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилга амал қилмасдан, ҳукуқий жиҳатдан асосламасдан қилинаяпти. Фуқароларга янги, замонавий ва ҳатто кўп қаватли автотураргоҳлардан жой ажратилишини ваъда қилмоқдалар. Бироқ ҳозирча буни амалга ошира олмаяптилар. Шаҳар ҳокимлиги муаммони тезкор ҳал эта олмаяпти. Янги тўхташ жойлари етарли эмас, нархи ҳам қиммат. Масалан, оддийгина соябонли тўхташ жойини олиш учун 1,5 млн сўм миқдорида депозит киритиш, бунинг устига ҳар ой 90 минг сўм тўлаш керак. Кўп қаватли тўхташ жойлари фуқароларнинг ҳамёнига тўғри келармикин?



Тошкентда турар жой даҳалари қурилиши учун ер участкалари олиб қўйилиб, қурувчиларга берила бошлаган охири пайтда бу ҳолат оммавий тус олди. Бу ишлар кўп ҳолларда қонунбузарлик билан қилинаяпти.

Бугун пойтахтимиз қиёфаси ўзгариб бормоқда. 20 йил аввал қурилган эски гаражлар унга ярашмаслиги аён. Шубҳасиз, уларни алмаштириш, замонавий тўхташ жойлари, паркингларни қуриш керак. Гараж эгалари

*Таҳририят истилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмаклашишга вақолатли эмас.



бунга қўшилидилар. Бироқ бузиш жараёни ҳуқуқ доирасидан чиқмай, фуқароларнинг манфаатларини қўзлаб амалга оширилишини талаб қилмоқдалар.

Ижтимоий тармоқларда гаражларни демонтаж қилишдаги ўзбошимчилик, хусусий мулк ҳуқуқини поймол қилиш далиллари кўплаб келтирилмоқда. Уларнинг эгалари йўқлигида автобокслар қўлфлари, дарвозалари, эшикларини бузиб, ичидагини кўчага чиқариб ташламоқдалар. Бузилган иморатлар уюм қилиб қўйилмоқда. Буларнинг бари очикчасига, бировнинг мулкига шикаст етказганлик учун жавоб бермасликка ишонган ҳолда қилинмоқда. Санокли ҳолларда фуқароларга етказилган моддий зарар учун компенсация тўланмоқда. Натижада турар жой даҳаларида машиналарни тўғри келган жойга қўйиб кетмоқдалар.

Шаҳар ҳокимининг 1.06.2017 йилдаги 690-сон қарори асосида яна гаражларни бузишга киришдилар. Унда 2017–2021 йилларда пойтахтда автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар назарда тутилган. Унда пойтахтдаги кенг миқёсли шаҳарсозлик ишлари шаҳарсозлик қоидалари ва санитария нормаларига жавоб бермайдиган эски гаражларни демонтаж қилиш ҳисобига замонавий кўп қаватли автотўхташ жойлари қурилишини талаб қилиши қайд этилган. Бунинг учун автотўхташ жойларини **босқичма-босқич демонтаж қилиш (!)**, уларнинг ўрнида замонавий кўп қаватли ва **бепул очик** тўхташ жойларини қуриш, вазиятни мониторинг қилувчи **ишчи гуруҳларни тузиш**, бундай ишларни амалга ошириш зарурати ҳақида **аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш** ҳақида кўрсатмалар берилган. Ҳокимиятлар ҳодимларининг ўзи қарорни қонунбузарликлар билан икरो этмоқдалар. Яъни ўзимиз ёздикими – ўзимиз бузамиз қабилида иш тутмоқдалар.

Гаражларни ёппасига бузиш шартмиди, деган савол юзага келади. Бу ҳеч қандай яхшиликка олиб келмайди. Фуқароларнинг эътирозларига, норозилигига сабаб бўлиб, давлат ҳокимияти органларига, ислохотларга ишончсизлик ҳиссини уйғотиши мумкин.

Ўзига ўзи «қонун»

Пойтахтдаги деярли ҳар бир автомобиль эгаси гараждан тозалаш муаммосига тўқнаш келди. Чилонзор туманининг «Е» мавзесида яшовчи фуқароларнинг тахририятга мурожаати кишини ўйга толдиради: биз қонунга мувофиқ яшаймизми ёки кимларнингдир «ҳаммаси давлатнинг қўлида, инсон – ҳеч ким эмас» деган тушунчасига биноаними? Эеро ҳокимият гараж муаммосини ҳал қилиш учун... миллий гвардияни жалб этишгача борди!

«Дарбоза» автотўхташ жойидаги гараж эгалари давлат органлари вакилларининг мансаб ваколатларини суиистеъмол қилаётганликлари устидан Чилонзор

туман прокуратурасига шикоят қилдилар. Унда айтилишича, 7 ноябрда Чилонзор ҳокимияти «Chilonzor Avto Xizmat» ДУКнинг (бундан кейин – ДУК, гараж бошқармаси) собиқ раҳбари, айни пайтда туман ҳокими ўринбосари Х.М.Шукруллаев хусусий мулк ҳуқуқида фуқароларга тегишли бўлган гаражларни бузиш учун жамоага қарашли «Дарбоза» автотўхташ жойига ишчилар билан бирга келган. Автобокслар занжирларини кеса бошлаганларида фуқаролар демонтаж қилиш учун ҳужжатлар бор-йўқлиги билан қизиққанлар, суднинг тегишли ҳал қилув қарорини, юз бераётган ҳодисанинг қонунга қанчалик мувофиқлигини кузатиш учун прокуратура вакили ҳозир бўлишини талаб қилганлар. Ҳоким ўринбосари бунга жавобан... **унинг ўзи қонун** эканлигини айтган. Одамлар гаражларни бузишга ҳалал бермасликлари учун... **миллий гвардияни** чақирган!

Ана шундай «қонунларга» эга бўлсак, мамлакатимиздаги ислохотлар йўққа чиқади. Гвардиячилар гап нимадалигини билгач, тўхташ жойини тарк этдилар. Яна эскича ёндашув қўлланди. Низода далиллар етишмас, мушт ишга тушади. Бу ҳолатда ҳам шундай йўл тутилди. Етиб келган прокуратура ходими ҳам масалага ойдинлик киритмади – тўхташ жойини бузиш ҳақидаги ҳужжатлар тақдим этилмади. Бошқача айтганда, мансаб ваколатлари суиистеъмол қилинди.

Низонинг моҳияти

Ушбу низо – Чилонзор туманининг «Е» мавзесидаги иккита автотўхташ жойини тозалаш тарихидан лавҳа, холос. Улардан бири – 80-сон, иккинчиси – юридик шахс ҳисобланган «Дарбоза» МЧЖ. Иккаласини автомобиль эгалари ўз ҳисобларидан, илтимосларига биноан 80-йилларда Тошшаҳарижроқум қарори билан фойдаланиш учун ажратилган ер участкаларида қурганлар. Ўша жойнинг ўзида «жой эгаллаш ҳуқуқи» учун ордерларни олганлар, улар фойдаланиш ҳуқуқини берувчи расмий ҳужжатлар ҳисобланади, у ерда гаражларни ўрнатганлар. Шу вақт мобайнида уларни сотиш, ижара бериш, яъни хусусий мулк ҳуқуқида автобоксларни тасарруф этиш ҳуқуқида эга бўлганлар. «Дарбоза» ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган, 80-сон тўхташ жойи эса бунинг ўз вақтида амалга оширмаган. Автомобиль эгалари ишга киришганларида эса шаҳар ва туман ижроқўмларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари архивда йўқолиб қолган. Фуқароларни ҳуқуқларини талаб қилишдан бездириш учун одатдагидек сарсон-саргардон қила бошлаганлар. Шунга қарамай, аввал ҳам, ҳозир ҳам улар ижарачи эмас, ердан муддатсиз бепул фойдаланувчи ҳисобланадилар.

2018 йил март ойда пойтахтда гаражларни яна ёппасига демонтаж қилиш бошланиб, «Е» мавзесидаги тўхташ жойларига навбат келганда Чилонзор ҳокимияти ДУК уларга имкон қолдирмади: ҳаммасини олиб

ташлашини айтди. Улар жойлашган ер участкасини кўп қаватли уй ва 4 қаватли замонавий автотўхташ жойини қуриш учун «Label Invest» МЧЖга бериш тўғрисидаги Тошкент ҳокимининг 12.03.2018 йилдаги 413-сон қарорини асос қилиб келтирди. Аввалига ҳар бир гараж эгасига ундан жой ажратишни ваъда қилдилар. Қандай шартларда берилишини айтиб ўтирмадилар. Бироқ муддатсиз бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан ижара ҳуқуқи бошқа-бошқа нарсас. Барча ваъдалар одатдагидек оғизда қолди. Автомобиль эгалари аввалги тўхташ жойида янги, замонавий шаҳарсозлик нормалари ва талабларига жавоб берадиган тўхташ жойини ўз ҳисобларидан қуриш таклифи билан ҳокимликка чиқдилар. Уларга рад жавоби берилди, автобокслар бузила бошлади. **Мухим жиҳат: автомобиль эгалари бузиш ва унинг ўрнида замонавий автотўхташ жойи қурилишига қарши чиқмадилар. Улар бу жараён қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини талаб қилдилар.** Ё янги автотўхташ жойида аввалги ҳуқуқлари билан бирга жой ажратадилар, ёхуд моддий зарар ва бозор нархларидаги маънавий зарарни қоплаб берадилар. Зеро тўхташ жойлари сақлаб қолинганда автобоксларнинг реал қиймати 15–25 млн сўмга етади, бузганда эса 200–300 минг сўмга сотилади.

Бунда мулк ҳуқуқи ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи бузилиши ҳақида сўз бормоқда. Давлат ер мулкдори ҳисобланади. Ер участкалари жамоага қарашли тўхташ жойларини қуриш учун фойдаланишга берилган. Автобокслар эгаллаган ер муддатсиз бепул фойдаланиш ҳуқуқида фуқароларга тегишли. Автобоксларнинг ўзи эса — хусусий мулк ҳуқуқида. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартиб-таомилларга амал қилмасдан ер участкаларини олиб қўйиш ва бошқа шахсга фойдаланишга бериш — ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам, мулк ҳуқуқини ҳам кўпол равишда бузишдир. Ҳокимлик ва «Label Invest» МЧЖ ер участкалари олиб қўйилиши, улар бузилиши, компенсация тўлаш тартиби ҳақидаги қарорларни ўз вақтида тақдим этмадилар. Мазкур вазиятда қабул қилинган барча қарорлар

орқага қайтиш кучига эга эмаслиги борасида аниқлик киритилмади. Тарафларнинг (давлат — фуқаро) муносабатлари ва ҳуқуқлари аввалбошдаги кўринишда сақланиб қолади ва амал қилади.


Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган бокс эгалари 80-сон тўхташ жойини тўлиқ бузишга йўл қўймадилар. Ушанда гараж бошқармаси бошлиғи туман ижроқўм берган ордерлар мавжуд бўлса, уларга янги тўхташ жойида аввалги ҳуқуқларда бепул жой берилишини ваъда қилган эди. Давлат мансабдор шахсининг сўзларига ишондилар. 80-сон тўхташ жойидаги гаражлар бузилди, янгиси учун котлован қазилди. Бироқ ярим йил ўтган бўлса ҳам, ҳеч нима аниқлашмади. ДУК бошлиғи ҳоким ўринбосари бўлди. Гараж бошқармасида унинг ўрнига келганлар биз сизга ҳеч нима ваъда қилмаганимиз дедилар. Қурувчи ер участкасини фойдаланишга берганларини айтди. Унда жойлашган ҳамма нарсас унинг мулки.

Масала қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилишига умид қилиб, автомобиль эгалари шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, Президент қабулхонасига мурожаат қилдилар. Бироқ аҳоли ёрдам кутган идоралар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунни бузган ҳолда уларнинг мурожаатларини хатти-ҳаракатларидан шикоят қилаётган Чилонзор туман ҳокимлигига қайта жўнатганлар. Табиийки, жавоб битта бўлган: тўхташ жойи бузилсин.

«Дарбоза» МЧЖдаги автобокслар эгалари жамоаси Тошкент шаҳар ҳокимининг 12.03.2018 йилдаги 413-сон қарори ҳақиқий эмас, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари эса ноқонуний, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи деб топилишини сўраб Мировод туман Маъмурий судига мурожаат қилди. Биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарори ва апелляция судининг қарори фуқаролар фойдасига чиқарилмади. Ҳозир иш Олий судда кўрилмоқда.

Фуқароларнинг манфаатларини писанд қилмаслик кўп амалдорлар учун оддий ҳол кўринади. Ахир бу мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни йўққа

чиқаради, давлат ҳокимияти нуфузига путур етказди ва энг асосийси — фуқароларнинг ўзгаришларга ва адолатга бўлган ишончини йўқотади. Фуқаролар билан амалий мулоқот ўрнатмай, бу билан тушунмовчиликларнинг олдини ололмаслик ҳам ҳуқуқий жиҳатдан саводсизлик оқибатидир. Бундай ҳолларда «оғир артиллерия»: округлар, секторлар раҳбарлари, участка нозирлари, маҳалла кўмиталари вакиллари ва бошқаларни жалб этишдан бошқа йўлни билмайдилар. Шуниси қизиқки, деярли барча амалдорлар ўз туманларидаги фуқароларнинг эмас, бизнес — қурувчининг манфаатларини ёқлайди. Бунда фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини поймол қилиб,



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

шахсий манфаатдорликни қўзламаяптимикинлар, деган савол юзга келади.

Яна бир муҳим жиҳат. Бугун Ўзбекистон жадал ривожланмоқда, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялан-

моқда, халқаро инвесторлар учун жозибадор бўлиб бормоқда. Бироқ гаражлар бобидаги хусусий мулк ҳуқуқиға амалдорларнинг бундай муносабати уларни чўчиштириш ҳеч гап эмас.

Ҳуқуқий жиҳат

Гаражлар ва тўхташ жойлари бузилаётганда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари поймол этилса, қандай ҳужжатларга амал қилиш лозим? Пойтахтнинг Чилонзор тумани «Е» мавзесидаги 80-сон ва «Дарбоза» МЧЖ автотўхташ жойлари мисолида ҳуқуқий жиҳатни кўриб чиқамиз. Эслатиб ўтамиз, ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқида уларга бириктирилган эди.

Собиқ Иттифоқ ва иттифоқдош республикаларнинг ер тўғрисидаги қонунчилиги асослари:

Иттифоқдаги жамоа ҳўжаликлари, совет ҳўжаликлари, бошқа давлат, кооператив, жамоа корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ва фуқароларга ер бепул фойдаланишга берилади (8-модда).

Ер муддатсиз ёки вақтинча фойдаланишга берилади. Олдиндан белгиланган муддатсиз ердан фойдаланиш муддатсиз (доимий) фойдаланиш дея эътироф этилади (9-модда).

Ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари жумласига турар жой, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ва бошқа бино ва иншоотлар қуриш ҳуқуқи киради (11-модда).

ЎЗР Ер кодексининг 41-моддаси:

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари фаолиятига давлат, ҳўжалик органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг аралашуви тақиқланади, қонун ҳўжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши керак.

Жисмоний шахсларга берилган ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишига кўра туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилаётган ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ҳамда бошқа барча зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

ЎЗР Ер кодексининг 37-моддаси:

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган за-

рарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 29.05.2006 йилдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган) 2-банди:

Ер участкаси ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарага олувчи билан келишув бўйича – тегишли равишда туман, шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилади.

Низомнинг 4-банди:

Тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари... Тошкент шаҳар ҳокимларининг ер участкасини олиб қўйиш, ер участкасида жойлашган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатларни, иншоотларни бузиш ва дов-дарахтларни кўчириб ташлаш тўғрисидаги тегишли қарорлари нусхаларини билдиришномага илова қилган ҳолда, бузиш бошлангунча 6 ойдан кечикмай, имзо қўйдириб уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар мулкдорларини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

ЎЗР Ер кодексининг 86-моддаси:

Зарарнинг ўрни олиб қўйилаётган ер участкалари ажратиб бериладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек фаолияти ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига олиб борган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Низомнинг 3-банди:

Олиб қўйилаётган ер участкаларида уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотларнинг асоссиз бузилишига ва дов-дарахтларнинг кўчириб ташланишига йўл қўйилмайди.

ЎзР Фуқаролик кодексининг 206-моддаси:

Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга бевосита қаратилмаган қарори муносабати билан, шу жумладан мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки экинлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига қонунларда белгиланган ҳоллар ва тартибдагина йўл қўйилади, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг қимматли мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида берилади ва унинг қўрган бошқа зарарлари тўланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши билан ётказилган зарар тўла ҳажмда тўланади.

Олиб қўйилаётган ер участкасидаги... иморатларни, иншоотларни ёки экинларни бузиб ташлашга зарарларнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдидан ва тўлиқ қоплангунига қадар йўл қўйилмайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-11-моддасида олиб қўйилаётган ер участкасидаги тадбиркорлик субъектларига тегишли биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни зарарнинг ўрнини мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати бўйича олдидан ва тўлиқ қопламаган ҳолда бузиб ташлаганлик учун мансабдор шахслар жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

Низомнинг 8-бандига кўра:

Ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарарларни тўғалигича қоплаш шарти билан ер участкалари олиб қўйилади.

Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 30.12.2006 йилдаги 272-сон қарорида 1-илова) 2-бандига мувофиқ, гаражлар ёрдамчи-хўжалик иморатларига кирadi.

P.S. Материал босмага тайёрланаётганда қурувчи автобокслар эгаларига кафолат хатлари бера бошлагани маълум бўлди. Уларда айтилишича, «Label Invest» МЧЖ демонтаж қилинган металл гаражлар ўрнига уларнинг эгаларига кўп қаватли тўхташ жойида жой ажратишни кафолатлаётган экан. Бироқ бу хат қурувчи бемалол рад эта оладиган «кўпик»дан ўзга нарса эмас. Унда кафолат хати кимга берилаётгани, автомобиль эгасининг манзили, олиб ташланган гараж рақами, тўхташ жойининг номи, унинг манзили ва бошқа маълумотлар қайд этилмаган. Бундай хатларни суд тан олмайди. Қурувчи кўп қаватли тўхташ жойини бошқа шахсга сотса, унинг янги мулкдори кафолатга эга бўлган фуқаролар олдида бундай «кафолат» асосида ҳеч қандай мажбурият олмайди. Гараж эгалари ҳеч нимасиз қолмасликлари учун кафолат хати қандай тузилиши ҳақида кейинги материалда суз юритганимиз.

«Нигерия хати» кафолат бера оладими?

Ҳар ким ҳаётида бир марта бўлса ҳам Интернет орқали «Нигерия хати» – олувчиларни алдаш мақсадида фирибгарлар жўнатган сохта ҳужжатларни олган бўлса керак. Минг афсуски, турли ташкилотлар, тадбиркорлар, ҳатто баъзида давлат органлари берадиган кафолат хатларининг аксариятини улар сирасига киритиш мумкин.

Қандайдир иншоот жойлашган ер участкаси олиб қўйилапти, дейлик. Иншоот мулкдори янги қуриладиган уйдан квартира беришлари мажбурияти қайд этилган кафолат хатини олиб, хотиржам кута бошлайди... Охир-оқибат кафолат олувчиди фақат битта йўл қолади: «кафолатланган» мулкни олишга беҳуда уринган ҳолда судма-суд юриш.

Нега шундай бўлади?

Ҳуқуқни қўллаш тартиби фақат қонунларда белгиланган тушунчалардан фойдаланишни талаб этади. Ўзбекистон қонун ҳужжатларида эса «кафолат хати» тушунчаси мавжуд эмас. Натижада кафолат хатига мажбуриятлар ижро этилишининг расмий тасдиғи деб эмас, балки контрагентлардан бирининг ниятлари ифодаси деб қаралади. Яъни кафолат хати ҳужжатлар айланмасига оид ишбилармонлик ёзишмалари шакли ҳисобланади, бироқ шартнома ва шунга

ўхшаш юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларга тенглаштирилмайди. Бу қозоннинг юридик кучи унда қандай ахборот қайд этилганига ва у қанчалик тўғри расмийлаштирилганига боғлиқ. Контрагентлар келишувга риоя этмаганда бу ҳужжат далил-исбот бўлиб хизмат қила олиш-олмаслиги ҳақида фақат суд қарор қабул қила олади.

Қозоғга ёзилган ёки босиб туширилган ҳар қандай ахборот расмий ҳужжат бўла олмайди. У сўзсиз тусга эга бўлиши ва судда исбот-далил сифатида хизмат

қилиши учун юридик кучга эга бўлиши лозим. Яъни ҳужжат матнида тилга олинган барча далиллар, хатти-ҳаракатлар, саналар ҳақиқий бўлиши, ижрочилар унинг учун жавоб беришлари керак. Юридик кучга эга бўлган ҳужжатда сана, раҳбар имзоси, ташкилот муҳри ва кўп ҳолларда нотариус тасдиғи бўлиши шарт. Гап шундаки, кўпинча қонунга кўра кучмас мулк билан боғлиқ барча битимлар мажбурий тартибда нотариал тасдиқланади.

Кафолат хати судда даъво талабларини қондириш учун лозим даражада ишончли юридик ҳужжат бўла олмайди. Умуман олганда кафолат хатининг ҳуқуқий мақоми ўзaro муносабатлар борасида унда мавжуд ахборотнинг тафсилотлари ва аниқлиги, шунингдек унинг тўғри тузилганлиги бевосита боғлиқ. Содда қилиб айтганда, тарафлар ўртасидаги ишбилармонлик ёзишмаларининг мазкур элементи расмий шартномага қанча кўп ўхшаса, суд инстанцияларида унинг юридик кучи тан олинаши эҳтимоли шунча юқори бўлади.

Кафолат хатида нималар кўрсатилиши керак?

Биринчиси ва энг асосийси, ҳужжатни ижро этилишини «кафолатлайдиган» мажбуриятларни юзага келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахс бериши керак. Масалан, у ер участкаси ажратилган, маблағлари ҳисобидан янги иморат барпо этилаётган, қурилиш якунланганидан кейин унга бўлган мулк ҳуқуқини қўлга киритиши кафолатланган шахс бўлиши лозим. Бунда барпо этилаётган иншоотга маблағ сарфлайдиган ёки бошқача тарзда иштирок этадиган ва унга доир муайян ҳуқуқларни қўлга киритадиган бошқа иштирокчилар бўлмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолда **ҳужжатни ҳуқуқни қўлга киритадиган барча шахслар беришлари керак**.

Хар қандай кафолат хатида (ва бошқа кафолат берувчи ҳужжатда) қуйидагилар қайд этилиши керак:

- 1) тарафлар – хатни тузган ва у берилган шахсларга оид маълумотлар;
- 2) кафолат берувчи тарафнинг реквизи́тлари;
- 3) хат тузилган сана;
- 4) мазмун – ким нимани кафолатламоқда, муддатлар, кафолат берувчининг жавобгарлиги, унинг тартиб-таомилга оид ва бошқа мажбуриятлари ва ҳ.к.;
- 5) хатни имзолаган шахснинг Ф.И.О. ва лавозими ёхуд ҳуқуқий мақоми (тадбиркор ва ҳ.к.);
- 6) ташкилот муҳри ёки кўрсатилган шахснинг хатни имзолашга ваколати мавжудлиги тасдиғи;
- 7) хат ижрочисининг имзоси.



Бундай хат фирма бланкасида тақдим этилгани маъқул, бу унга жиддийроқ муносабатда бўлишга хизмат қилади.

Хат бошида қуйидаги мазмундаги ёзувнинг қайд этилиши алданишдан яхши ҳимоя воситасидир:

«Мазкур кафолат хати... (тарафларнинг фамилиялари) ўртасидаги шартноманинг юридик кучига эга».

Кафолат хатида мол-мулк бошқага берилганда ёки унинг ҳуқуқ эгаси бошқа йўл билан алмашганда кафолат хатидан келиб чиқадиган барча ҳуқуқлар кафолат хати бериладиган шахсга ўтиши албатта қайд этилган бўлиши керак. Яъни қурувчи бузилган гаражлар ўрнига янги автоўхташ жойида жой берилиши ҳақида мулкдорларга кафолат хати берган, бироқ ўхташ жойини қургач, уни бошқа шахсга сотиб юборган бўлса, у янги мулкдорни мол-мулк бўйича мажбурият мавжудлиги ҳақида хабардор қилиши шарт. Мол-мулкнинг янги мулкдори хатдан келиб чиқадиган барча кафолат мажбуриятларини бажариши керак бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда Фуқаролик кодексини 353-1-модда билан тўлдирish зарурати юзага келади:

«Кафолат хати

Кафолат хати, яъни кафолат берувчининг муайян ҳуқуқ субъектига нисбатан мажбуриятини ўз ичига олган ёзма ҳужжат шартнома (битим) ҳуқуқий мақоми ва юридик кучига эга деб эътироф этилади ҳамда қонун ҳужжатларининг шартномаларга (битимларга) оид нормалари унга нисбатан қўлланилади».

Зеро бозор иқтисодиёти шароитида мажбуриятлар юзага келиши ва бажарилиши масаласи, моҳиятан олганда, ижтимоий муносабатлар соғломлигидан дарак беради.

Валерий Стаховский, турар жой мулкдори.



Менга сўз беринг

Қувурларни қандай «кийинтириш» мумкин?

Алоҳида олинган ХУМШдаги кўпгина муаммолар тизимли тусга эга. Улар бошқа ширкатларга ҳам хос, шу сабабли ечимини талаб қилади. Акс ҳолда бу ишлашга тўсқинлик қилади, умумий мол-мулкни капитал таъмирлаш, унга жорий хизмат кўрсатишни ўз вақтида бажариш имконини бермайди. Баъзи ҳолларда ХУМШ йўлидаги тўсқинларни йўқотишга қонунчиликдаги нуқсонлар йўл бермайди. Бошқасида – унинг барча даражаларда ижро этилмаслиги, қозғозбозлик сабабчи бўлади. Тошкентдаги «Она Замин Иккинчи Коммунал» ширкатида ҳам барча ширкатларни ташвишга солаётган масалалар мавжуд. ХУМШ раиси Светлана Группер улар ҳақида сўз юритди.

«Иссиқлик таъминоти ташкилоти ҳар йили ширкатдан ертўладаги қувурларни ўрашни талаб қилади. Иссиқликни изоляциялаш заруратини назарда тутувчи идоравий ҳужжатларни руқач қилади. Ижро этмасак, жарима солиш билан пўписа қилади. Бироқ уй ичидаги иссиқлик тизимларини изоляциялаш бўйича услубий тавсиялар мавжуд эмас. Дарвоқе, Кўп квартиралар уйларида иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш қоидалари (ВМнинг 15.07.2014 йилдаги 194-сон қарорига 1-илова), шунингдек етказиб берувчи билан истеъмолчи ўртасида тузилган ККУда иссиқлик билан таъминлаш шартномасида уй ичидаги иссиқлик таъминоти тизимларини изоляциялаш зарурлиги тўғрисида нормалар мавжуд эмас.

Қувурлар иссиқликни сақлаш, унинг энергия самардорлигини ошириш учун ўралади. Бироқ бунга тўғри бажариш лозим. Акс ҳолда пул шамолга соғирланган бўлиб чиқади. Қувурларни «кийинтириш» борасида кўп саволлар юзга келади. Масалан, иссиқликни изоляциялаш учун қандай материаллардан фойдаланиш керак, бунда уларнинг диаметри, фойдаланиш муддати, сифати, таркиби, бошқа параметрларини инобатга олиш зарурми? Бунга ким қилиши керак: ширкатми ёки профессионал ташкилот? Бунинг учун махсус тайёргарлик, ўқиш керакми? У ёки бу материал билан қувурлар иссиқлигининг изоляцияланиши қанча муддатга мўлжалланган? Пластик қувурларни иситиш зарурми, ахир улар деярли иссиқликни чиқармайдилар? Бироқ иссиқлик таъминотчилари шундай қилиш керак, деб туриб олганлар. Бунга тасдиқловчи ҳужжат борми? Тўғри, таъмирланган қувурларни ўраш лозим. Бу ҳам тавсияларда қайд этилган бўлиши керак.

Шубҳасиз, бу ишга киришладиган бўлса, уни лозим даражада, ишлаб чиқилган ва тасдиқланган тавсияларга мувофиқ бажариш керак. Сабаби бунга кўп маблағ сарфланади. Масалан, 4 та йўлакли битта уйимизга 2,5 млн атрофида маблағ талаб этилади. Бизда 6 та йўлакли уйлар ҳам бор. 8 та уйнинг ҳаммасига қарийб 20 млн сўм кетади. Иссиқлик изоляцияси бир йилга мўлжаллаб қилинмайди. Бу ишга киришиб, салмоқли маблағ сарфланса, у шунга яраша ўзини оқлаши керак.

Мутахассисларга келсак, улар катта, магистрал қувурлар иссиқлигини изоляциялаш билан шугулланадилар. Уй ичидаги тизимлар билан ишламайдилар. ХУМШ сантехниклари ҳам бунга қандай йўл бермайди, кераклигини билмайдилар. Айрим ширкатларда уни ўзлари учун эмас, балки иссиқлик таъминотчилари тинч қўйишлари учун қўл учига ўраб қўя қоладилар. Ахир бундай йўл тутиб бўлмайди. Биз ҳам қувурларни поролонли фольга билан ўраб қўйишимиз мумкин. Аммо бу билан фақат ўзимизни алдаган бўламиз. Бунинг устига, бунга пул ҳам сарфлаш керак бўлади.

Қанча вақт совуқда ўтириш мумкин?

Уйларимиз иссиқлик трассасининг охирида жойлашган. Шу сабабли иссиқлик уйимизга тўлиқ ҳажмда етиб келмайди, белгиланган нормативларга мувофиқ келмайди. Неча йилдирки уй аҳоли квартираларини исита олмаяпти, яна қаерга шикоят қилишни билмаяпти. Илгари етказиб берувчилар ҳамма айбни ширкатга ағдариб, муаммонини уй ичидан изланг дер эди. Аммо гап бунда эмас. Уй ичидаги тизим яхши ишлайди, қишда эса аҳоли имкон қадар: электр приборлари, газ ёрдамида исинади. Бироқ бу билан қониқиш ярамайди. Етказиб берувчилар билан музокара қилишдан чарчадик. Қишда электр энергияси, газ истеъмоли, тегишинча, аҳолининг уларга харажати бир неча бор ортади. Бунинг устига, етказиб берилмайдиган иссиқлик ҳақини ҳам тўлашларига тўғри келади. Етказиб берувчилар қайта ҳисоб-китоб ҳақида эшитишни ҳам истамайдилар. Бироқ бу вазиятда қиқш йўлини топиш зарур. Уйлар шаҳар марказида жойлашган, муаммо эса узоқ йиллардан буюн ечимини топмаяпти.

Ўтган йили аҳоли иситиш сифатидан шикоят қилар-вергач, Тошиссиққуввати ходимлари бир неча квартирани, шунингдек уйларга уланган иссиқлик ташувчининг параметрларини текширдилар. Ҳаммаси нормативларга мувофиқ, уй ичидаги тизим нормал фаолият юритиши учун етарли, деган хулосага келдилар. Квартиралар текширилганлиги ҳақида далолатномалар тузилди. Масалан, улардан биридаги залда уша пайта 2 та

иситиш прибори ёқилган, болалар хонаси эса газ билан иситилаётган эди. Ҳаво ҳарорати +14 °C, тегишинча, квартирада ҳам +20 °C эди. Иссиқлик таъминотчилари ҳаммаси жойида, шикоятлар тасдиқланмади, дея қайд этдилар. Бироқ квартираларда ўлчов ишлари иситиш приборлари ишлаб турганда амалга оширилди! Ташқарида ҳаво ҳарорати +20 °C бўлганда бошқа квартирага кирдилар. Бу квартира ҳам аввалроқ электр прибори билан иситиб қўйилган эди. Биз иссиқлик таъминотчиларининг далолатномаларига қўшилмаймиз.

Тошиссиққуввати раҳбариятга мурожаатлар ва у билан учрашувлар натижа бермаяпти. Қачонлардир уйларимиз учун кичик қозонхона қуриш масаласи қўрилган эди. Бироқ ҳозир ундан воз кечдилар. Тушунтиришларича, шаҳар маркази – Ҳукумат трассаси бўйида кичик қозонхона қуриш мумкин эмас экан. Ҳукумат трассаси бўйида музлаб чиқиш мумкин экан-да? Муаммо ханузгача ечимини кутмоқда.

Ер участкалари ширкатларга қайтариладими?

ХУМШ ер участкаларидан асоссиз равишда маҳрум қилинганлиги масаласи ҳақида гапирмаган одам қолмади. Уйларимизда кадастр ҳужжатларига кўра ҳатто бир парча ер ҳам йўқ. Бироқ қонун ҳужжатларида йўқ нарсани сақлаш мажбурияти қолган. Неча йилдирки ҳамма ушбу ҳуқуқий ихтилофга кўз юмиб келмоқда. Ширкат ер участкасидан фойдаланмаётган бўлса, демек, уни сақлаш мажбурияти ҳам бўлмаслиги керак. Бу ҳолда унинг учун ҳокимликлар ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармалари тимсолида давлат (ер эгаси) жавобгар бўлади. Бироқ улар буни зиммаларига олишни истамаяптилар.

Бу вазиятда ширкат нима қилиши мумкин? Виртуал ҳудудни тозалашимиз, ободонлаштиришимиз шартлигини айтиб, бизга ҳар томонлама босим ўтказадилар. Бунга қўл силтаб қўя олмаймиз. Ҳовлимиз қай аҳволга тушади? Уни тозалатиб, бунинг учун фаррошга пул тўласак – қонунни бузган бўламиз. Бу ХУМШнинг мақсадсиз харажатлари бўлиб қақади – ахир кадастр бўйича участкамиз йўқ-ку.

Барча ХУМШда фаррошлар билан боғлиқ муаммо бор. Ҳозир ҳудудни тозалаш хизматларини таклиф қилувчи ихтисослаштирилган фирмалар пайдо бўла бошлади. Бироқ унга 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш керак. Бунинг оқибати қандай яқун топишни билмай-сиз. Қўшни ХУМШ ана шундай фирмани ёллаган эди, унинг иши қониқтирмаганлиги учун бир-икки кундан кейин хизматларидан воз кечди.

Айни пайтда ишлаб чиқилаётган янги уй-жой қонунчилигида ер участкалари муаммоси ечимини топиши даркор. Аслида амалдаги қонунчиликда участкалар доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ширкатга берилиши белгиланган. Фақат улар қаерда? Бунда қонунга қатъий риоя этиш ва уларни бузганлик учун жиддий жазога тортиш ҳақида сўз бориши керак.

Сизнинг калит – бизнинг калит эмасми

Участка нозири уйларимизнинг чордоғи калитини беришимизни талаб қилмоқда. Айтишича, бу аҳолининг хавфсизлиги учун керак эмиш (бирйўла квартираларнинг калитини ҳам сўраб қўя қолмайдими?). Участка нозири исталган пайтда чордоққа чиқа олиши учун калит милиция кўлида туриши керакмиш. Бироқ чордоқ – мулкдорларнинг умумий мулки. Унинг хавфсизлигини уй аҳли ўз ҳисобидан таъминлайди. У ерга панжара, қулф ўрнатган, уларнинг бут сақланишини кузатиб туради. Калитни кимгадир берадиган бўлсанг, ўзингга ортиқча ташвиш ортирасан. Нима бўлмасин, ХУМШ айбдор бўлиб чиқаверади. Томга ҳам шикаст etkazилиши ҳеч гап эмас.

Участка нозирининг талаби – фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқини кўпоп бузишдир. Буни қандайдир ички циркуляр мавжудлиги билан оқламоқчи бўлсалар, у ҳолда бу талаблар қонуний эмас. Чордоқларнинг калитини бегона шахсларга бериш масаласи фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиши керак.

ХУМШнинг депозит счётидан фойдаланиши чекланган

Ширкатларнинг ўз маблағларини мустақил тасарруф эта олмаслиги ҳам ишга тўғаноқ бўлади. Муайян ишларни бажариш учун ҳокимнинг ёзма рухсатномасисиз банкдаги депозит счётидан ўз пулиминизни ололмай-сиз. Мисол учун, томни таъмирлашга бундай рухсатнома олиш учун ҳокимликка ҳужжатлар пакети: пудратчи билан тузилган шартнома, нуқсонлар далолатномаси, калькуляция ва бошқаларни тақдим этишимиз зарур. Яъни бу ишни қилиш керак-но кераклигини мулкдорлар эмас, балки ҳокимлик ҳал қилади. Бунинг устига жавобни 10–15 кун кутамиз. Агар бу авария ҳолати, масалан, томдан чакка ўтаётган бўлса, ширкат тезкор равишда ишга кириша олмайди. Уй аҳли рухсат бериш тартиб-таомилнинг қулига айланиб қолади.

Кредитлар ўзлаштирилишини назорат қилиш мақсадида ана шундай тартиб ўрнатилган бўлса керак, сабаби деярли барча ширкатлар кредит олиб фаолият юритмоқда. Кўпчилиги уларни ўз вақтида қайтара олмайди. Бироқ қарз маблағларини вақтида қайтараётган ширкатлар ҳам бор. Биз таъмирлаш ишларини кредит олмай бажарамиз. Уларни бирон марта олмаганмиз. Ширкатнинг ўз маблағларидан фойдаланишини чеклаш тартиби – ғайритабиий ҳол, унинг ишларига аралашувдир. Модомики бундай тартиб белгиланган экан, ҳеч бўлмаса қар бир ХУМШга алоҳида ёндашувни жорий этиш лозим. Банкирлар ўз мижозларини яхши биладилар. Ширкатнинг қарзи бўлмаса, ҳокимликдан рухсатнома олмасдан ўз маблағларидан эркин фойдаланиши лозим».

Қонуний никоҳ

Мен Тошкент вилоятида прописка қилинганман, бироқ Тошкентда яшайман. Вақтинча рўйхатдан ўтмаганман.

Боланинг отаси (қонуний никоҳдан ўтмаган турмуш ўртоғим) Тошкентда прописка қилинган бўлса, пойтахтда ҳомиладорлик бўйича ҳисобга қўйилсам бўладими?

Нурия А. Тошкент ш.

— Сизнинг ҳолатда тиббий ҳисобга қўйила олмайсиз. Бунинг учун Тошкент шаҳрида вақтинча эмас, балки доимий пропискага эга бўлишингиз керак. Сабаби фуқароларни доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан вақтинча (5 кундан 6 ойгача, муддатга) ҳисобга олиш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турар жой сотиб олишлари, шунингдек доимий ишга ва ижтимоий кафолатларга эга бўлишлари учун асос ҳисобланмайди (АВ томонидан 28.06.2016 йилда 2804-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 2-банди).



Никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома мавжуд бўлгандагина турмуш ўртоғингизникида доимий пропискадан ўтишингиз мумкин (14.09.2011 йилдаги УРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган Рўйхатнинг 5-банди), бу прописка қилинган жойда тиббий ҳисобга қўйилишингизга имкон беради. Никоҳингиз расман қайд этилмаган бўлса, Рўйхатнинг кўрсатилган банди асосида Тошкентда пропискадан ўтиб, тиббий ҳисобга қўйила олмайсиз.

Ҳисобга қўйиш тартибини бузмасдан

Тошкент вилоятида доимий пропискадан ўтганман. Тошкентда яшайман. Уй бекаси-ман. Ўғлим Тошкентдаги мактабда ўқийди.

Вақтинча рўйхатдан ўтишим шартми?

Р.А. Тошкент ш.

— Тошкент вилоятида пропискадан ўтган бўлсангиз, Тошкент шаҳрида 5 кундан ортиқ яшаш учун турган жойингиз бўйича ҳисобда туришингиз шарт (2804-сон Йўриқноманинг 2-банди).

Тошкент шаҳрида ҳисобда туришингиз кўрсатилган тартибини бузиш маъмурий жавобгарликка ва 10 ЭКИХ миқдорида жарима солишга олиб келиши мумкин (МЖТКнинг 223-моддаси).

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган фуқаролар келган кунидан бошлаб 5 кун муддатда ўзи вақтинча турган жойдаги туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг (бўлимнинг) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (бўлиммасига) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- паспорт;
- 16 ёшга тўлмаган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва 35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат;
- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги);
- турар жой учун ҳужжатларнинг нусхалари;
- ҳисобга олинганлик учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция (қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйларида яшовчи қариялар ва ногиронлар, шунингдек мактаб-интернатлар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг

тўлиқ давлат таъминотида бўлган ва ётоқхоналарда яшовчи ўқувчиларидан ташқари);

➢ турар жойни ёхуд унинг бир қисмини ижарага олиш ёки турар жойдан ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш тўғрисида нотариал тасдиқланган шартноманинг нусхаси.

Хабардор қилмасдан рўйхатдан чиқариб юбордилар

Тошкентда 1998 йилдан буён узоқ қариндошимникида доимий прописка қилинган эдим. Бироқ 2005 йилда янги паспорт олганимдан кейин у прописка қилинишимга рухсат бермади, бироздан сўнг эса мени хабардор қилмасдан уй дафтаридан умуман чиқариб юборди. Янги паспортим бор, бироқ унда прописка қилинганим тўғрисида штамп қўйилмаган.

Ота-онамникида ёки турмуш ўртоғим билан бирга яшайдиган, унинг номига расмийлаштирилган квартирада прописка қилинишим учун пропискани тиклашимга ёки ҳеч бўлмаса қонуний асосда рўйхатдан чиқишимга имкон борми? Фарзандларим ҳам ўша ернинг ўзида прописка қилинган.

А.Миронов. Тошкент ш.


— Биринчи навбатда Тошкент шаҳар манзил-маълумотнома бюросига мурожаат қилиб, прописка қилинган-қилинмаганингизни текшириб қўришингиз керак.

Манзил маълумотномасида рўйхатдан чиқарилган санаси ва сабабини кўрсатсалар, узоқ қариндошингиз прописка қилинган жойдаги паспорт столи бошлиғига мурожаат қилиш ва розилигингизсиз рўйхатдан чиқарилганингиз тўғрисидаги манзил маълумотномасини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Маълумот учун. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ, фуқаролар рўйхатдан чиқиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- чиқиш сабаби ва жойини кўрсатган ҳолда ички ишлар органи раҳбарияти номига эркин шаклда ёзилган ариза;
- паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;
- мудофаа ишлари бўлими ҳисобидан чиқарилгани тўғрисида белги қўйилган ҳарбий ҳисобда туриш ҳужжатлари;
- уй дафтари ёки прописка карточкиси, квартира карточкиси (4 ва 5-шаклдаги);
- давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция.

Фуқароларни улар ҳозир бўлмаганда рўйхатдан чиқариш турар жой майдонида бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилиш, шахсни бедарак йўқолган деб тан олиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорига кўра, нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича, ички ишлар органларининг сўровига биноан ёки прокурорнинг маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги санкцияси асосида амалга оширилади.




Берилган манзил маълумотномасида узоқ қариндошингизникида ҳанузгача доимий пропискада деб қайд этилган бўлсангиз, паспорт хизмати раҳбари ёзма мурожаатингизга кўра унга уй дафтаридан чиқариш тартибини тушунтириши шарт. Турмуш ўртоғингизникида доимий пропискадан ўтишингиз учун паспортингизда аввал доимий пропискангиз, сўнг рўйхатдан чиқарилганингиз қайд этилади.

Меҳмонга келиши учун

ЖАРдаги қариндошимизга таклифномани расмийлаштириш учун қандай ҳужжатлар керак бўлади?

Исатуллаев. Тошкент ш.

— Сиз яшаш жойидаги миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимасига 2 нусхада тўлдирилган белгиланган шаклдаги анкета-ариза билан мурожаат қилишингиз зарур (Тартиб, ВМнинг 21.11.1996 йилдаги 408-сон қарорига 1-илова).



Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда бўлиш муддатини кўрсатган ҳолда хорижий фуқаронинг Ўзбекистон ҳудудига киришига рухсат берилганлиги ҳақида фуқарога хабар берилади. Ушбу хабарнома ни Ўзбекистон Республикаси ТИВ Консуллик бошқармасига тақдим этиш зарур, у ЎзРнинг чет элдаги консуллик муассасасига юборилади.

Хорижий фуқаролар кириш визаларини олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаларига тўлдирилган белгиланган шаклдаги виза анкетасига таклифномани ва миллий паспортни илова қилган ҳолда мурожаат қиладилар.

Паспорт олиш учун уйга

Мен ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғиман, доимий пропискам йўқ, қисмда вақтинча ҳисобга қўйилганман. Паспортимнинг амал қилиш муддати тугаяпти. Доимий эмас, балки вақтинча пропискага эга бўлган ҳолда паспорт олишим мумкинми?

П.С.

— Фуқаро паспорт олиши учун доимий яшаш жойидаги маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши ва қуйидагиларни тақдим этиши зарур (Низомнинг 18-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова):

- белгиланган шаклдаги ариза;
 - илгари берилган паспорт;
 - туғилганлик ҳақида гувоҳнома (биринчи марта расмийлаштирилаётганда);
 - давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция.
- Ҳарбий хизматчининг вақтинча прописка қилинган оила аъзолари ҳарбий қисмда жойлашган жойида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини олишида истиснолар назарда тутилмаган.

Шу сабабли доимий прописка қилинган жойдаги паспорт столига мурожаат қилишингиз керак.

Ишдан бўшаётганда тўлиқ ҳисоблашинг

Ходим ишдан бўшаётганда фойдаланмаган таътил учун унинг олдидаги қарзни у ишга жойлашган корхонага ўтказиш мумкинми?

— Ходимга таътил пулини тўлаш бўйича бир корхонанинг қарзини бошқасига ўтказишга куйидаги сабабларга кўра йўл қўйилмайди.

Амалдаги қонунчиликда бир ташкилотдан бошқасига ишга ўтказиш назарда тутилмаган. Меҳнат шартномаси тузилган фақат битта корхона доирасида бошқа доимий ишга (лавозимга) ўтказиш мумкин. Бу қоида ҳеч қандай истисноларга эга эмас. Шу сабабли бошқа ташкилотга ишга ўтаётган ходим ўз хоҳишига кўра (МКнинг 99-моддаси) ёки тарафларнинг келишувига кўра (МКнинг 97-моддаси 1-банди) ёхуд иш берувчининг ташаббуси билан (МКнинг 100-моддаси) меҳнат шартномасини бекор қилиши зарур. Меҳнат шартномаси ҳар қандай асосга кўра бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади (МКнинг 151-моддаси) ёки фойдаланилган, бироқ ишлаб берилмаган таътил кунлари учун ушлаб қолинади (МКнинг 164-моддаси).

Бошқа вариантлар йўқ.

Кўрсатилган барча ҳисоб-китоблар амалга оширилган ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ходим аввалги ташкилотда илгари фойдаланилмаган меҳнат таътилини олишга ҳақли бўлмайди.

Янги иш жойига ўтган ходимга МКнинг 143-моддасида белгиланган тартибда меҳнат фаолиятини бошлаган янги давр бўйича меҳнат таътили берилади.

Корхона қайта ташкил этилганда янги корхонада ходимлар билан меҳнат муносабатлари уларнинг розилиги билан илгари тузилган меҳнат шартномалари шартларида давом этаверади (МКнинг 98-моддаси).

Шу сабабли ходимларнинг ўтган иш даврида фойдаланилмаган таътилни олиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Янги иш берувчига эса илгари фойдаланилмаган таътиллари ҳисобга олган ҳолда таътил бериш, таътил пулини тўғри ва ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш юзасидан жавобгарлик юклатилади.



Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Эълолар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 71-236-76-46, 71-233-74-95, 71-233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР

Ўзбекистон, яқин ва узоқ хориж бўйлаб корпоратив, гуруҳли турлар. Тўлов – исталган шаклда. (+998) 90-189-28-09, (+998) 93-556-61-31.

Хизматлар лицензияланган.

Бўлимимизда 10 ва 12 ёшга тўлмаган икки-та фарзандли аёл ишлайди.

У соат 9.00 дан 16.00 гача давом этадиган, соат 13.00 дан 14.00 гача танаффус билан 6 соатлик тўлиқсиз иш кунини белгилашни илтимос қилиб раҳбариятга мурожаат қилди.

Унинг аризасини кўриб чиқиб, тўлиқсиз иш кунини белгилашлари, бироқ иш ҳақи камайтирилиши ва, тегишинча, таътил ҳам қисқартирилишини маълум қилдилар. Шу тўғриси?



Умумий асосларга кўра таътил

— Тўлиқсиз иш вақти, МКнинг 119-моддаси 1-қисмида кўрсатилганидек, тўлиқсиз иш кунини ёки тўлиқсиз иш ҳафтасини қамраб олади.

Қонун ҳужжатларида иш вақти тўлиқсиз ҳисобланиши учун айнан неча соатга қисқартирилиши кераклиги белгиланмаган. Бинобарин, унинг давомийлиги қанчага: ярмига, 3, 2 ёки ҳатто ундан кам соатга камайтирилганидан қатъи назар, у барча ҳолларда ана шундай деб ҳисобланади.

Тўлиқсиз иш ҳафтасида иш кунини давомийлиги сақланган ҳолда ҳафтадаги иш кунлари сони камайтирилади. Масалан, 6 кунлик иш ҳафтасида ходим фақат 3 тўлиқ иш кунини ишлайди.

Одатда, тўлиқсиз иш вақти иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бироқ ҳомиладор аёлнинг, 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон бо-

ласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш кунини ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир (МКнинг 119, 229-моддалари).

Тўлиқсиз иш вақти шартини ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Шу тариқа, иш берувчининг йиллик асосий ҳақ тўланадиган таътил муддати қисқартирилиши ҳақидаги гаплари асоссиздир.

Ишдан бўшаётганда ишлаб бериладиган кунлар ҳисоб-китобидаги байрамлар

Ходим ўз хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишни сўраб ариза берди. Ариза 2018 йил 7 март кунини ёзилган, унда уни шу кунгек, яъни 7.03.2018 йилдан ишдан бўшатишлари сўралган эди. Директор «2 ҳафта ишлаб бериш шартини билан ишдан бўшатиш» дея резолюция қўйди. Ушбу 14 кун қачон тугайди: 21.03.2018 йилда ёки 23.03.2018 йилда?

— Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, 2 ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишнинг тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт (МКнинг 99-моддаси 1-қисми).

МК меҳнат ҳуқуқлари ва бурчларининг вужудга келиши ёки бекор бўлиши билан боғлиқ бўлган муддатнинг ўтиши унинг бошланиши белгиланган календарь куннинг эртасидан – яъни 8 мартдан эътиборан бошланади.

Йиллар, ойлар, ҳафталар билан ҳисобланадиган муддатлар сўнгги йилнинг, ойнинг, ҳафтанинг тегишли кунидан тугайди. Календарь бўйича ҳисобланадиган ҳафталар ёки кунлар



муддатига ишланмайдиган кунлар (яъни 8 ва 21 март) ҳам қўшилади.

Башарти муддатнинг сўнгги кунини ишланмайдиган кунга тўғри келса, ундан кейин келадиган биринчи иш кунини муддат тугайдиган кун деб ҳисобланади (МКнинг 13-моддаси).

Шу тариқа, ходим билан меҳнат шартномасини 22.03.2018 йилдан бекор қилиш керак эди.

Абдусалом Рисқуллаев, «Norma» МЧЖ бош эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарход Собирович
ҚУРБОНБЕКОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-80
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва хабар қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 283-32-31, 283-36-32 телефон
рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МКнинг компьютер базисидан терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрилган – 186. Қўзғатилган – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ, баҳоси кўпайтилган нархда.
Буторка 483. Адади 810. Газета 2018 йил 3 декабрь соат 17.00 да топирилди.